

**“АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
НИЗОМ**

Тошкент-2017

МУНДАРИЖА

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР -
 - II. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШНИНГ МАҚСАД ВА ТАМОЙИЛЛАРИ -
 - III. БАНК НОМИДАН АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ УЧУН ВАКОЛАТГА ЭГА ШАХСЛАР -
 - IV. БАНК ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ -
 - V. ОЧИҚ АХБОРОТ -
 - VI. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАР, БАНК ХОДИМЛАРИ ВА МАНФААТДОР ШАХСЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ -
 - VII. ТИЖОРАТ СИРИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ АХБОРОТ -
 - VIII. БАНККА АХБОРОТНИНГ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ
 - IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР
- ИЛОВА (Махфий ахборотни ташкил этувчи ҳужжатлар ва ахборотлар рўйхати)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур АТ «Алоқабанк»нинг (қуйида «Банк» деб номланади) Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низоми (қуйида – «Низом» ёки «Ахборот сиёсати») Банк томонидан банк ва банк фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг ошкор этилишини тартибга солади, шу жумладан Банк томонидан ахборотни ошкор этишнинг мақсад ва тамойилларини белгилайди, ошкор этиладиган ахборотнинг рўйхати, ошкор этиш тартиби ҳамда Банкнинг ахборот сиёсати устидан назоратни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилайди.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Корпоратив бошқарув Кодекси тавсиялари, Банк Устави ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Ушбу Низом мақсадлари учун ахборот сиёсати деб Банк томонидан ахборотларни ошкор этишда қўлланадиган тамойиллар ва жараёнлар мажмуи тушунилади.

1.4. Низом Банкнинг Кузатув Кенгаши (қуйида – «Банк Кенгаши») томонидан тасдиқланади.

II. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. Ахборотни ошкор этишнинг мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахсларга (қуйида – «манфаатдор шахслар»)лар томонидан пухта ўйланган қарорларни қабул қилиш ёки бирор-бир ҳаракатларни амалга ошириш учун ахборотнинг зарур бўлган ҳажмда тақдим этиш ҳисобланади.

2.2. Банк ҳаққонийлик, очиқлик, тезкорлик, тенг ҳуқуқлилиқ, ҳимояланганлик, тўлиқлик ва мунтазамлилиқ тамойиллари, шунингдек Банкнинг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда унинг тижорат манфаатларига риоя қилиш ўртасидаги оқилона мувозанатини сақлаш асосида ахборотни ошкор этади.

2.3. Ахборотни гҳаққонийлик тамойили фаолиятда жиддий хатоларнинг йўқлиги ва Банкнинг молиявий-ҳўжалиқ фаолиятини ҳаққоний акс эттирувчи ахборотда ифодаланади.

2.4. Ахборотнинг очиқлик тамойилида манфаатдор шахсларнинг Банк фаолияти тўғрисидаги ошкор этиладиган ахборотни эркин, тўсиқларсиз ва танловсиз олиши имкониятини таъминлайдиган ахборотни тарқатиш каналлари ва усулларидан фойдаланиши тушунилади.

2.5. Тезкорлик тамойили Банк қисқа муддат ичида манфаатдор шахсларни Банкнинг молиявий-ҳўжалиқ фаолияти, шунингдек уларнинг манфаатларига таъсир этувчи муҳим воқеалар ва фактлар ҳақида хабардор этишини билдиради.

2.6. Тенг ҳуқуқлилиқ тамойили Банкнинг барча манфаатдор шахсларга Банк фаолияти тўғрисида ахборотни олиш ва фойдаланишнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашини билдиради.

2.7. Ҳимояланганлик тамойили тижорат сири ёки бошқа сирни ташкил этувчи, ёки махфий ахборот бўлган маълумотни ҳимоялашнинг қонунчиликда рухсат этилган усуллари ва воситаларидан фойдаланишни кўзда тутади.

2.8. Тўлиқлик тамойили Банк ўзи ҳақида салбий ахборотни ошкор этишдан воз кечмаган ҳолда, барча манфаатдор шахсларга ҳақиқатга мос келувчи ахборотни Банк тўғрисида ва Банк фаолиятининг натижалари тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришга имкон берадиган ҳажмда тақдим этишини билдиради.

2.9. Мунтазамлилик тамойили Банкнинг манфаатдор шахсларига доимий равишда Банк тўғрисида ахборотни тақдим этилишини кўзда тутди.

2.10. Мувозанатланганлилик тамойили Банк фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда унинг тижорат манфаатларини таъминлаш ўртасидаги оқилона мувозанатга риоя қилишни кўзда тутди. Бунда махфий ахборотни ҳимоя қилиш шунингдек қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш мажбурий ҳисобланади.

III. БАНК НОМИДАН АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ УЧУН ВАКОЛАТГА ЭГА ШАХСЛАР

3.1. Банкнинг қуйидаги мансабдор шахслари (қуйида «ваколатланган шахслар») манфаатдор шахсларга (инвесторлар, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, давлат органлари ва ҳоказо) ахборотни етказиш ҳуқуқига эга бўлади:

- а) Банк Кенгаши Раиси ва аъзолари;
- б) Банк Бошқаруви Раиси;
- в) Банкнинг барча Бошқарув Раиси ўринбосарлари;
- г) Корпоративмаслаҳатчи.

3.2. Ахборот сиёсатини амалга ошириш мақсадида ваколатли шахслар Банкнинг бошқа шахсларига Банк номидан расмий шарҳлар беришни топширишга ҳақлидир. Банкнинг ваколатга эга бўлмаган шахслари, ваколатли шахсларнинг махсус фармойишини олмаган ҳолда, Банк фаолияти юзасидан расмий шарҳлар бериш ҳуқуқига эга эмас.

3.3. Ваколатли шахсларининг Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти ва (ёки) қимматли қоғозлари қийматига таъсир этиши мумкин бўлган барча оммавий сўзга чиқишлари Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси билан келишиб олиниши лозим.

3.4. Агар бирор-бир банк ходими исталган тadbирда ўзининг лавозим ёки бошқа турдаги мажбуриятларини амалга ошириш доирасида иштирок этса, бунда ходим Банк тўғрисидаги ахборотни Банкнинг Ахборот сиёсатига тўлиқ мос ҳолда ҳамда ваколатли шахс томонидан дастлабки маъқуллаш олинганидан кейин тақдим этиши лозим.

3.5. Банк Кенгаши камида бир йилда бир марта Банк Бошқаруви Раисининг ушбу Низом талаблари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тинглайди.

IV. БАНК ТЎҒРИСИДА АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

4.1. Мазкур Низомнинг 3.1.-бандида кўрсатилган шахслар ахборот ва ҳисоботнинг ҳолати ва ҳаққонийлиги, шунингдек Банк фаолияти тўғрисида маълумотни акциядорлар, кредиторлар, бошқа манфаатдор шахслар ва оммавий ахборот воситаларига тақдим этилиши учун жавобгар бўлади.

4.2. Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси Банк Бошқаруви Раиси билан келишилган ҳолда:

а) Банк қимматли қоғозлари эмиссия рисоалари, чораклик ва йиллик ҳисоботларида ҳамда Банк фаолиятидаги муҳим фактлар тўғрисида ахборотни ўз вақтида ошкор этишини назорат қилади;

б) Банкнинг мажбурий сақланиши лозим бўлган ҳужжатларини сақлаш, улардан фойдаланиш имконияти, шунингдек уларнинг нусхаларини манфаатдор шахсларга беришни таъминлайди. Ҳужжат нусхалари Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси томонидан тасдиқланиши лозим.

4.3. Банкнинг Ахборот сиёсати қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ Банк ва унинг акциядорлари манфаатлари доирасида амалга оширилади.

4.4. Банк Бошқарув Раиси ва бошқа ваколатли шахслар ошкор этиш талаб қилиниши мумкин бўлган банкнинг ҳар қандай фаолияти тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиши лозим.

4.5. Банк мажбурий ошкор этилиши лозим бўлган ахборотни Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари (рўйхат рақами 2383, 31.07.2012 й.) ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган ҳажм, муддат ва усулларда тайёрлайди ва ошкор этади.

4.6. Қонунчиликда белгиланган ошкор этиладиган ахборотдан ташқари, Банк қуйидаги ахборотни тайёрлайди ва ошкор этади:

- а) Банкнинг ташкилий ва бошқарув тузилмаси;
- б) Банкнинг ички сиёсатлари тўғрисидаги ахборот;
- в) Банк акцияларининг мажоритар эгалари тўғрисидаги маълумот;
- г) Овоз бериш ҳуқуқининг тақсимланиши ва манфаатдор шахслар билан битимлар тўғрисидаги ахборот;
- д) Банк фаолиятининг узоқ муддатли натижаларини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар;
- е) Банкнинг таваккалчиликларга мойиллиги ва таваккалчиликларни бошқариш стратегиясининг асосий қоидалари.

4.7. Ахборотни тарқатиш каналлари манфаатдор шахсларнинг ундан эркин фойдаланиши имкониятини таъминлаши лозим. Банк ахборотни ошкор этишда қуйидаги усулларида биридан фойдаланади:

- а) ахборотни Ягона корпоратив ахборот порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатланган давлат органининг расмий веб-сайтида) эълон қилиш;
- б) ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;
- в) ахборотни фонд биржасининг веб-сайтида эълон қилиш;
- г) ахборотни Банкнинг веб-сайтида эълон қилиш;
- д) Банк акциядорларига ахборот ва ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратиш ва уларга уларнинг талабига биноан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, Банк Устави ва ички ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда ҳужжатлар нусхаларини бериш. Нусха берилиши учун олинadиган тўлов нусха олиш учун харажатларидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.8. Банк ўзининг веб-сайтида барча энг муҳим хабарлар ва материалларни эълон қилади. Жумладан, Банк веб-сайтида қуйидагилар жойлаштирилади:

- а) устав ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;
- б) йиллик ҳисоботлар, йиллик ва чораклик молиявий ҳисобот;
- в) қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоалари;
- г) аудиторлик хулосалари;
- д) Банк фаолиятидаги муҳим фактлар тўғрисида хабарлар;

е) Акциядорлар умумий йиғилишлари ўтказилиши ва Банкнинг ривожланиш стратегиясига тегишли ахборот;

ё) Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсияларига амал қилиш ва унга риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш тўғрисидаги ахборот;

ж) Банкнинг ижроия органи фаолияти ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижалари;

з) таклиф этилган соф фойданинг тақсимланиши;

и) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Банк Устави ва ички ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ахборот.

4.9. Қуйидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида мажбурий ошкор этилиши лозим:

а) акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабарнома;

б) Банкнинг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгариши тўғрисидаги хабарнома;

в) Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган Банк акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олиш таклифи;

г) Банк томонидан акцияларни қайта сотиб олиш ҳақидаги ахборот;

д) Банкни тугатиш тўғрисида ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни билдириш тартиби ва муддати тўғрисидаги ахборот.

4.10. Мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган махфий ахборотни ташкил этувчи ҳужжатлар ва ахборотлар рўйхати ошкор этилмайди.

V. ОЧИҚ АХБОРОТ

5.1. Қимматли қоғозлар бозорида очик ахборот деб, ундан фойдаланиш учун имтиёзларни талаб қилмайдиган ёки «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ошкор этилиши лозим бўлган очик ва ошкора ахборот ҳисобланади.

5.2. Банк қонунчиликка мувофиқ ўз қимматли қоғозлари ва молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотни қуйидагилар орқали ошкор этади:

а) қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласида;

б) эмитентнинг чораклик ва йиллик ҳисоботида;

в) эмитент фаолиятидаги муҳим фактлар тўғрисида хабарномаларда.

5.3. Банк акцияларининг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган эмитент молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли бўлган муҳим фактлар тўғрисидаги ахборотни, ҳатто улар қонунчилик ва ушбу Низомда бевосита санаб ўтилмаган бўлса ҳам (расман эмитент фаолиятидаги муҳим фактлар таърифига мос келмаса ҳам) эълон қилади.

5.4. Банк Кенгаши Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига (қуйида – «Умумий йиғилиш») Банкнинг йиллик ҳисоботини тайёрлайди.

5.5. Йиллик ҳисобот Банк Бошқаруви Раиси ва Банк бош бухгалтери томонидан имзоланади. Йиллик ҳисобот Банк Кенгаши томонидан йиллик Умумий йиғилиш ўтказилиши санасидан камида 10 (ўн) календарь кун аввал тасдиқланиши лозим.

5.6. Банк йиллик ҳисоботни унинг ташқи аудити ўтказилганидан сўнг, умумий йиғилиш ўтказилиш санасидан камида 2 (икки) ҳафта аввал эълон қилади.

5.7. Банк очик ахборотни Интернет тармоғидаги www.aloqabank.uz электрон манзилда жойлашган сайтда жойлаштиради.

5.8. Ахборотнинг очиклик тамойилини амалга ошириш мақсадида, Банк интернет тармоғидаги сайтида ахборотни ўзбек, рус ва инглиз тилларида ошкор этади.

VI. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАР, БАНК ХОДИМЛАРИ ВА МАНФААТДОР ШАХСЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ

6.1. Банкнинг бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, Банк ходимлари манфаатдор шахслар билан ахборот алмашилиши учун Банк корпоратив маслаҳатчисини тайинлайди ва у орқали ахборот алмашувини амалга оширилади.

6.2. Манфаатдор шахсларнинг ушбу Низомда кўзда тутилган ахборотнинг тақдим этилиши тўғрисидаги ёзма (электрон) талабига кўра, агар қонунчиликда бошқа муддат белгиланган бўлмаса, корпоратив маслаҳатчи бир ҳафта мобайнида барча керакли ахборотни электрон шаклда тақдим этади.

6.3. Ҳужжат нусхалари тақдим этилиши зарур бўлганда, манфаатдор шахс ҳужжат нусхалари учун тўловни амалга оширади, бунда тўлов миқдори ҳужжат нусхаларини тайёрлаш ва ҳужжатларни почта орқали юбориш харажатларидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.4. Банкка ҳужжатлар билан танишиш ёки ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиш тўғрисидаги мурожаат ёзма шаклда, мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (юримдик шахслар учун – номи ва манзили), унга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва тоифалари (турлари) ҳамда сўралаётган ҳужжатлар ёки ахборотнинг номи кўрсатилган ҳолда юборилади.

6.5. Банк акциядорларга акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳужжатлар ва ахборотдан фойдаланиш имконини таъминлайди.

6.6. Банк акциядорлари Банкнинг ҳужжатлари билан Банкнинг жойлашган манзилида танишишга ҳақлидир.

6.7. Акциядорлар Банк ёки банк фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат ёки қонун билан ҳимояланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

VII. ТИЖОРАТ СИРИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ АХБОРОТ

7.1. Банкнинг тижорат сирини - учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради.

7.2. Банк тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни ҳимоялаш чораларни кўради, унинг тарқалиб кетиш хавфсизлигини таъминлайди.

7.3. Банкнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланиши мумкин бўлган шахсларга қуйидагилар киради:

- а) Банк Кенгаши Раиси ва аъзолари;
- б) Банк Бошқаруви Раисива аъзолари;
- в) бош бухгалтер;
- г) корпоратив маслаҳатчи;
- д) Банкнинг бошқа ходимлари.

7.4. Банк юқоридаги шахслар билан тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни ошкор этмаслик тўғрисида битим тузади.

7.5. Банк томонидан ахборотни тижорат сирига киритиш тартиби, уни аниқлаш ва ундан фойдаланиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сирини тўғрисида» Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

VIII. БАНККА АХБОРОТНИНГ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ

8.1. Банк унинг фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолларда олиш ҳуқуқига эга.

8.2. Банкнинг сайланадиган органлари аъзолигига номзод томонидан ўзи ҳақида ахборотни тақдим этиш тартиби, бундай ахборотни тақдим этиш ҳажми ва муддатлари Банкнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8.3. Банк Кенгаши аъзолари, Банк Бошқаруви Раиси ва Банк Бошқаруви аъзолари, Банкнинг овоз берувчи акцияларининг 20% дан ортиқ қисмига эгалик қиладиган акциядорлар, Банкка кўзда тутилган битим ҳақида батафсил маълумот, шу жумладан битимда иштирок этувчи шахслар, битим мазмуни, тегишли шартноманинг муҳим шартлари ҳақида маълумот кўрсатилган хабарномани юбориш йўли билан, Банкнинг битим тузишида ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида Банкни ўз вақтида хабардор этиши лозим.

8.4. Банк аффилиланган шахслар ҳисобини юритиши ва қонунчиликка мувофиқ улар ҳақидаги ҳисоботни тақдим этиши шарт. Банк ҳар йили ўзининг аффилиланган шахсларининг рўйхатини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатланган давлат органи томонидан белгиланган тартиб ва муддатда эълон қилиши шарт.

8.5. Банкнинг аффилиланган шахслари Банкни ўзининг аффилиланганлиги ҳолати ҳақида ёзма шаклда, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатланган давлат органи томонидан белгиланган батафсил маълумотда кўрсатилган ҳолда, қонунчиликда кўзда тутилган аффилиланганлик асослари юзага келиши пайтидан бошлаб кўпи билан 3 (уч) иш куни ичида хабардор этиши лозим.

8.6. Агар аффилиланган шахснинг айби билан ушбу ахборот тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Банкка мулкий зарар етказилган бўлса, аффилиланган шахс Банк олдида унга етказилган зарар миқдоридан жавобгар бўлади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу Низом Банк Кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва исталган пайтда худди шундай тартибда ўзгартирилиши мумкин.

9.2. Ушбу Низомга Банкнинг бошқарув, назорат органлари ва ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурийдир.

9.3. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

9.4. Ушбу Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади, ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалаларда, ушбу Низомга тегишли ўзгартириш киритилмаган пайтгача Ўзбекистон

Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставининг меъёрларига таяниш лозим бўлади.

Бошқарув Раиси

К. Ирисбекова

Бошқарув аъзолари:

Ж. Эгамбердиев

Ш. Бахриддинов

Х. Рахматов

Х. Бўронов

Ш. Искандаров

А. Абдукахаров

Методология бўлими в.б.

Ю. Махкамова

**АК «Алокабанк» нинг «Ахборот
сиёсати тўғрисида» Низомига
1-Илова**

Махфий ахборотни ташкил этувчи ҳужжатлар ва ахборотлар рўйхати

№	Ҳужжатларнинг ва/ёки ахборотнинг номи	Махфийлик тоифаси	Жавобгар шахс	Ижрочилар гуруҳи
1	<p>Банк хизматларининг мазмуни ва маркетинги ҳақида; ташкилотлар, истеъмолчилар ва бошқа банкларни кредитлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳажмлари; тўлов-ҳисоб хизматлари, траст ва қимматли қоғозлар билан операциялар, депозитлар ва қимматликларни сақлаш бўйича операциялар режалари, мазмуни ва ҳажмлари ҳақидаги ахборот:</p> <ul style="list-style-type: none"> - кўрсатиладиган хизматлар ҳажмларининг режалаштирилган ўзгаришлари; - қимматли қоғозларга инвестицияларнинг режалаштирилган ҳажмлари; - траст операцияларининг мазмуни; - хизматларнинг ҳар хил турлари учун нархларнинг ҳисобланиши; - хизматларни бозорда ривожлантиришнинг режалари ва усуллари; - хизматлар ва янги хизмат турлари спецификацияларининг маркетинг ишланмалари, шу жумладан ишланмалар олиб бориладиган ва муҳокама қилинадиган барча ташувчилар (ҳужжат, магнит, компьютерлар) ва улар ўтказиладиган хоналар (ўта махфий ахборот каби ҳимоя қилинади); - режалаштирилган янги хизматлар бозорлари (янги сегментлари); - маркетинг тадқиқотлари режалари ва натижалари; - маркетинг режалари ва дастурлари; - контрагентлар бўйича ахборот банклари; - мижозлар бўйича ахборот банклари. 	<p>«Хизматда фойдаланиш учун» (асоси ЎзР МБ нинг 06.07.1996 йилдаги 239-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг банк сирини тўғрисида» Низоми)</p>	<p>Банк Бошқарувининг барча аъзолари</p>	<p>Банк Бошқаруви аъзолари, Маркетинг бўлими, Пул муомаласи Департаменти, Активлар ва пассивлар Бошқармаси, Ташқи иқтисодий фаолият Бошқармаси</p>

№	Хужжатларнинг ва/ёки ахборотнинг номи	Махфийлик тоифаси	Жавобгар шахс	Ижрочилар гуруҳи
2	<ul style="list-style-type: none"> - шифрлаш алгоритмлари ва электрон-рақамли имзо (ЭРИ) қўлланган ҳолда файлларни шифрлаш дастури (ArgoCRYPT); - ЭРИ намуналари бўлган ахборот банки, ЭРИ бўлган дискеталар. 	<p>«Хизматда фойдаланиш учун» (асоси ЎзР МБ нинг 06.07.1996 йилдаги 239-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг банк сири тўғрисида» Низоми)</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи</p>
3	<p>Молиявий-ҳисобахбороти:</p> <ul style="list-style-type: none"> - молиялаштириш ва кредитлаш манбалари ва ҳажмлари; - банкка кредитлар берилиши шартлари; - акциялар эмиссияларининг режалаштирилган ҳажмлари; - бюджет таклифлари, бюджет лойиҳалари ва тасдиқланган бюджетлар; - батафсил баланслар ва бухгалтерлик ҳисоботининг айрим турлари; - бошқарув ҳисоби маълумотлари. 	<p>«Хизматда фойдаланиш учун» (асоси ЎзР МБ нинг 06.07.1996 йилдаги 239-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг банк сири тўғрисида» Низоми)</p>	<p>Банк Бошқарувининг барча аъзолари</p>	<p>Банк Бошқаруви аъзолари Банк (филиал) раҳбари</p>
4	<p>Ташкилий-бошқарув ахбороти:</p> <ul style="list-style-type: none"> - етакчи мутахассислар ҳақида ахборот банклари; - ходимлар, уларнинг сифат тавсифномаси, меҳнат шартлари ҳақидаги ахборот банклари; хизматчиларнинг умумий сони, вакант лавозимлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумот; - банкнинг штат-ташкилий тузилмаси тўғрисидаги маълумот; - энг муҳим менеджерлар, хавфсизлик ва ахборотни ҳимоялаш хизматларининг малакали ходимларининг режалаштирилган тайинланиши ва лавозимининг ўзгариши тўғрисида маълумот; - таникли мутахассисларни ишга қабул қилиш ва улар билан музокаралар тўғрисида маълумот; - банк ходимларини танлаш бўйича ўтказиладиган ишнинг хусусиятлари тўғрисида маълумот; 	<p>«Хизматда фойдаланиш учун» (асоси ЎзР МБ нинг 06.07.1996 йилдаги 239-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг банк сири тўғрисида» Низоми)</p>	<p>Ходимлар билан ишлаш бошқармаси</p>	<p>Ходимлар билан ишлаш бошқармаси</p>

№	Хужжатларнинг ва/ёки ахборотнинг номи	Махфийлик тоифаси	Жавобгар шахс	Ижрочилар гуруҳи
	- бошқарув низолари тўғрисидаги маълумот.			
5	<p>- Банк Бошқаруви ёпиқ мажлислари ва акциядорлар умумий йиғилишлари баённомалари, уларда бошқармалар менежерлари ва аъзоларининг ҳисоботлари; Банк Бошқарувининг қарорлари, банк сирига оид масалалар бўйича Банк Бошқаруви мажлислари ва Банк Раиси ўтказадиган бошқа мажлисларнинг стенографик ҳисоботлари;</p> <p>- банк фаолиятидаги стратегик режалар тўғрисида маълумот;</p> <p>- менежерлар ҳақида ахборот банклари;</p> <p>- акциядорлар ва ширкатлар иштирокчилари ҳақида ахборот банклари.</p>	«Хизматда фойдаланиш учун» (асоси ЎзР МБ нинг 06.07.1996 йилдаги 239-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг банк сири тўғрисида» Низоми	Активлар ва пасивлар Бошқармаси бошлиғи	Банк Бошқарувининг барча аъзолари
6	- банкнинг таркибий бўлинмалари ва муассасаларининг банк фаолиятини тўсатдан текшириш ўтказилишининг графиклари (ўта махфий ахборот каби ҳимоя қилинади).	«Хизматда фойдаланиш учун» (асоси ЎзР МБ нинг 06.07.1996 йилдаги 239-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг банк сири тўғрисида» Низоми)	Ички аудит Бошқармаси бошлиғи	Ички аудит Бошқармаси
7	<p>- банк муассасаларида қўриқлаш тизими ва кириш-ўтказиш режимини ташкил этиш тартиби, рухсатномаларда шифрли белгилар маъноси;</p> <p>- қўриқлаш-ёнғин ва огоҳлантириш сигнализация тизими, видеокузатув ва видеоқайд этиш тизими;</p> <p>- банк ишининг видеоархиви;</p> <p>- банк ходимларининг ахборотни ҳимоя қилиш, банкнинг ташқи ва ички фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, банк жосуслигига қарши курашиш бўйича ишларнинг шакллари ва усуллари; қўлланадиган техника воситалари (ўта махфий ахборот каби ҳимоя қилинади).</p>	«Хизматда фойдаланиш учун» (асоси ЎзР МБ нинг 06.07.1996 йилдаги 239-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг банк сири тўғрисида» Низоми)	Ички хавфсизлик бўлими бошлиғи	Ички хавфсизлик бўлими

№	Хужжатларнинг ва/ёки ахборотнинг номи	Махфийлик тоифаси	Жавобгар шахс	Ижрочилар гуруҳи
8	Ижтимоий хусусиятдаги ахборот: - айрим ходимларга бериладиган ёрдам ва ижтимоий тўловлар тўғрисида маълумот; - режалаштирилган штатларни қисқартириш тўғрисида маълумот; - банк жамоасиёки айрим таркибий бўлинмаларидаги ижтимоий низолар тўғрисидаги маълумот.	«Хизматда фойдаланиш учун» (асоси ЎзР МБ нинг 06.07.1996 йилдаги 239-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг банк сири тўғрисида» Низоми)	Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи	Ходимлар билан ишлаш бошқармаси
9	Ички назорат ҳужжатлари ва маълумотлари	«Хизматда фойдаланиш учун» (асоси Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» Қонуни)	Ички назорат Бошқармасининг бошлиғи	Ички назорат Бошқармаси
10	Банк қуйидаги маълумотларни ҳимоя қилади: ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобрақамлари ва омонатлари тўғрисидаги маълумотлар; банк мижози (вакилига), банк томонидан банк хизматлари кўрсатилиши муносабати билан олинган мижози (вакили) тўғрисидаги маълумотлар; мижознинг (вакилнинг) банкнинг пўлат сандиқлари ва биноларида сақланадиган мулк мавжудлиги, хусусияти ва қиймати тўғрисидаги маълумотлар; мижознинг (вакилнинг) топшириғига кўраёки унинг фойдасига амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар; , банк-лар ўртасида банк сирини ташкил этувчи маълумотлар алмашиши натижасида бошқа банкнинг мижози (вакили) тўғрисида маълум бўлиб қолган маълумотлар.	«Банк сири» (Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2003 йилдаги № 530-II сонли «Банк сири тўғрисида» Қонуни асосида)	Банк (филиал) раҳбари, Банк (филиал) бош бухгалтери	АБТ дан фойдаланувчи операцион касса ходимлари ГУРУҲИ; АБТ дан фойдаланувчи бухгалтерлик масъул ижрочилари ГУРУҲИ; АБТ дан фойдаланувчи молиявий назорат ГУРУҲИ; АБТ дан фойдаланувчи ички назорат ГУРУҲИ; АБТ дан фойдаланувчи кредит ходимлари ГУРУҲИ.
11	Барча ҳужжатлар (қоғоз ва электрон):	«Банк сири»	Ҳар бир масъул ижрочи,	Ички назорат

№	Хужжатларнинг ва/ёки ахборотнинг номи	Махфийлик тоифаси	Жавобгар шахс	Ижрочилар гуруҳи
	<p>- мижозлар томонидан имзоланган, уларда банкнинг масъул ижрочиси имзоси ва штампи мавжуд бўлган ва масъул ижрочи томонидан банкнинг автоматлаштирилган банк тизимида (АБТ) масъул ижрочи электрон имзоси ёрдамида амалга оширилган мижозларнинг кирим, чиқим, тўлов операциялари тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>- кредитийғмажилдлари хужжатлари;</p> <p>- банкнинг юридик ва жисмоний мижозларининг йиғмажилдлари хужжатлари.</p> <p>- банк маълумотномалари, ҳисобрақамлардан кўчирмалар, банк операциялари ва ҳисобрақамлари тўғрисида сўровномаларга жавоблар;</p>	<p>(Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2003 йилдаги № 530-Исонли«Банк сири тўғрисида»ги Қонуни асосида)</p>	<p>архивариус, АБТ администратори ва фойдаланувчиси</p>	<p>Бошқармаси, Ички аудит Бошқармаси, Кредит бўлинмалари</p>
12	<p>Электрон ахборотни бошқариш ва ҳимоялаш учун администраторлик пароллари</p>	<p>махфий</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи, банк (филиал) компьютер тармоғининг администратори</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси</p>
13	<p>Компьютер тармоғига ва АБТга кириш учун логин ва пароллар</p>	<p>махфий</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи, банк (филиал) компьютер тармоғининг администратори</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси</p>
14	<p>Марказий банк учун электрон ҳисоботлар</p>	<p>махфий</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи, банк (филиал) компьютер тармоғининг администратори</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси</p>
15	<p>Локал компьютер тармоғининг тузилиши</p>	<p>махфий</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи, банк (филиал) компьютер тармоғининг администратори</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси</p>
16	<p>Глобал компьютер тармоғининг тузилиши</p>	<p>махфий</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи, банк (филиал) компьютер тармоғининг администратори</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси</p>
17	<p>АБТ ва шифрлаш дастурлари, электрон-рақамли имзо учун сертификатлар</p>	<p>махфий</p>	<p>Банк (филиал) Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи</p>	<p>Ахборотлаштириш бошқармаси</p>
18	<p>Сервер хонаси ва Тўлов марказига кириш учун электрон</p>	<p>махфий</p>	<p>Банк (филиал) хавфсизлик</p>	<p>Банкнинг хавфсизлик</p>

№	Ҳужжатларнинг ва/ёки ахборотнинг номи	Махфийлик тоифаси	Жавобгар шахс	Ижрочилар гуруҳи
	қулфларнинг кодлари		бўлимнинг раҳбари	бўлими
19	Пластик карточкаларнинг пин-кодлари	махфий	Банк (филиал) Пластик карточкалар бошқармасининг бошлиғи	Пластик карточкалар бошқармаси
20	Почта дастурларининг пароллари	махфий	Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи, банк (филиал) компьютер тармоғининг администратори	Ахборотлаштириш бошқармаси
21	Юқори турувчи ташкилотлар ва идоралардан барча келиб тушган ҳужжатлар, махфий ёзишмалар, «ХФУ» белгиси қўйилган хатлар ва ҳужжатлар	ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан 05.05.1994 йилда № 239-33 -сон билан тасдиқланган йўриқномага мувофиқ	Банк Бошқаруви Раиси, Биринчи бўлим, Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари бош бухгалтерлари	Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари ва бош бухгалтерлари
22	Мухрлар, оттисклар ва штамплар	Банк сири	Пул муомаласи Департаменти, режим-махфийлик бўлими (РМБ), филиалларнинг пул муомаласи бўлими ходимлари	Филиаллар кассирлари, бош бухгалтерлари, банк девонхонаси
23	Банкнинг ҳарбий хизматга мажбур ишлаётган ва жалб қилинадиган ходимлари тўғрисида маълумот	Банк сири (шахсий маълумот)	РМБ, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси	Ходимлар билан ишлаш бошқармаси, филиалларнинг кадрлар бўлимлари бошлиқлари
25	Музокараларни ўтказиш, шу жумладан мансабдор шахсларнинг нархлар, чегирмалар ва бошқа шартлар бўйича ваколатлари чегаралари бўйича дастурлар	махфий	Банк Бошқаруви Раиси, Биринчи бўлим, Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари бош бухгалтерлари	Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари ва бош бухгалтерлари
26	Экспорт ва импорт операцияларини молиялаштириш тартиби ва ҳажми	махфий	Банк Бошқаруви Раиси, Биринчи бўлим, Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари бош бухгалтерлари	Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари ва бош бухгалтерлари
27	Чет эл фирмаларининг техник кўмаклашуви билан қурилаётган объектлар бўйича техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар	махфий	Банк Бошқаруви Раиси, Биринчи бўлим, Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари бош	Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари ва бош бухгалтерлари

№	Ҳужжатларнинг ва/ёки ахборотнинг номи	Махфийлик тоифаси	Жавобгар шахс	Ижрочилар гуруҳи
			бухгалтерлари	
28	Буюмлар ёки илмий-техник маҳсулотларни ишлаб чиқиш ёки етказиб бериш бўйича тахмин қилинган шартнома нархлари	махфий	Банк Бошқаруви Раиси, Биринчи бўлим, Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари бош бухгалтерлари	Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари ва бош бухгалтерлари
29	Хорижий давлатлар билан битимлар, таклифлар (буюртмалар) шартномалар ёки контрактларнинг мазмуни	махфий	Банк Бошқаруви Раиси, Биринчи бўлим, Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари бош бухгалтерлари	Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари ва бош бухгалтерлари
30	Ички ва ташқи бозорда рақобатбардошликни оширишга имкон берувчи, аввал маълум бўлган технологиялар, жараёнлар ва ускуналарни модернизациялаш тўғрисида маълумот	махфий	Банк Бошқаруви Раиси, Биринчи бўлим, Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари бош бухгалтерлари	Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари ва бош бухгалтерлари
31	Асосий кассалар жойлашуви, нақд пул олиниши вақти	махфий	Банк Бошқаруви Раиси, Биринчи бўлим, Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари бош бухгалтерлари	Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, филиал бошлиқлари ва бош бухгалтерлари
32	Бошқарув ҳисоблаш мажмуалари, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари, дислокация телекоммуникациялари тармоқлари ва узатиш тизимлари, техник жиҳозларда ишлатиладиган ҳисоблаш техникаси воситаларининг турлари бўйича жамланма маълумот	махфий	Банк (филиал) Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи	Ахборотлаштириш бошқармаси